



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚАДАН ФойДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Султонов Абдулла Азаматович

ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси
тадқиқотчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523180>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 05th June 2024

KEYWORDS

жиноят иши, тергов
ҳаракатлари,
видеоконференцалоқа
режими, процессуал
ҳаражатлар, интернет,
мегабайт (Mb), камера.

ABSTRACT

Мақолада жиноят ишлари бўйича тергов
ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида
ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни
ташқил этувчи сарфланмаларнинг турлари,
ҳисоблаш ва қоплаш қоидалари муҳокама қилиниб,
тегишли ташкилотлардан
видеоконференцалоқадан фойдаланиш
ҳаражатлари бўйича олинган маълумотлар таҳлил
қилинган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг бош ғоясига айланган “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш энг устувор йўналиш сифатида белгиланган.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳам мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш борасида мулкый ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттиришга доир қатор вазифалар белгиланган.

Шу асосда жиноят ишларини юритиш жараёнига қатор замонавий усул ва ёндашувлар жорий этиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ айрим турдаги тергов ҳаракатларини идеоконференцалоқа режимида ўтказиш тартибининг жорий этилгани шулар жумласидандир.

Маълумки, гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги айрим тергов ҳаракатлари, яъни сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштиришни видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат этилади. Бунда мазкур шахслар турган жойдаги ёки доимий яшаш жойидаги

(вилоят, туман, шаҳар) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирилади ҳамда техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимидан фойдаланилади.

ЖПК талабларига биноан (91²-модда) қуйидаги ҳолларда сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асосларидан бири тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабабларнинг ҳисобланади. Ушбу асос тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишнинг афзал жиҳатларини яққол кўрсатиб беради. Яъни, ушбу тартиб йўлкира ҳақи, тураржой ижараси ҳамда суткалик харажатлар, шунингдек одатдаги машғулотида чалғитилганлик учун тўлов ёки иш жойида ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш каби процессуал харажатларни тежалишига ёрдам беради.

Шу ўринда, ушбу тартиб ортиқча харажатларни олдини олишга хизмат қилса-да, бироқ бу видеоконференцалоқа режимидан фойдаланиш мутлақо харажатсиз кечади дегани эмас. Боиси, ушбу жараёнда дастурий ва техник талаблар, икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида реал вақт режимида аудио ва видео маълумотларни алмашиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир қатор харажатларга зарурат юзага келади. Боиси, ушбу режимни қўллашда фойдаланишладиган техник воситалар ва ускуналар ЖПКда белгиланган минимал талабларга жавоб бериши лозим. Ушбу талаблар тасвир сифати бўйича – ўлчами 1920×1080, секундига 50 та кадр, овоз сифати бўйича – частота диапазони 100-12 000 Гц, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича – VPN ҳимояланган алоқа каналидан фойдаланиш тарзида белгиланган.

Бугунги кунда, *UZTELECOM* алоқа оператори таърифларида булутли технологиялар асосида видеоконференцалоқа хизмати (VC) бўйича ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган бир марталик тўлов суммаси 10 000 сўм, модераторнинг 1 соатлик хизмати (ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган соат) 20 000 сўм, видео конференция тизимига ўланиш учун 240 000 сўм миқдорида ҳақ белгиланган. Юридик шахслар учун интернет технологияси бўйича юқори тезликдаги таъриф режалари учун бўлса 100 Mbit/sek тезлик учун 1.050.000 – 22.960.000 сўмгача тўлов қилиниши лозим¹. Хизматни ташкил қилиш учун зарур бўлган абонент қурилмалари (қулоқчинлар, микрофон, веб- камера) мижоз, яъни тергов ёки суд органи томонидан харид қилинади. Интернет дўконларида тасвир сифати бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган веб-камералар учун 1 500 000² – 47 819 200³ сўмга қадар нарх белгиланган бўлса, микрофон эса ўртача 4 400 000⁴ сўмдан сотилмоқда. Шунингдек, VPN-пакетлари учун тўрли нархлар⁵ белгиланган бўлиб, видеоконференцалоқа режими (VKS)дан фойдаланиш жараёни муайян харажатларни талаб этади. Шу асосда, жиноят ишлари доирасида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд мажлисини видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ўтказиш чоғида қилинган харажатларни

¹ UZTELECOM акциядорлик компаниясининг 26.02.2024 йилдаги 27-06-25/633-сон маълумотномаси

² <https://avtech.uz/catalog/kamery>

³ <https://tec.uz/veb-kamery.html?mode=list&p=1>

⁴ <https://vks.uz/product/spikerfon-agl06b/>

⁵ <https://uztelecom.uz/uz/biznesga/mobil-aloqa-1/cdma-2504/xizmatlar-4/vpn-paketlar>

аниқ ҳисоб-китоблари аниқланиб, ишга илова қилиниши ҳамда судда ундириб олиш чоралари кўрилиши лозим бўлади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши самарадорлигини ошириш учун тергов ҳамда суд органларининг маъмурий биноларини юқори тезликдаги интернет алоқаси, сифатли оптик толали алоқа каналлари, ишончли ахборот хавфсизлиги таъминоти ҳамда зарур махсус техник ва дастурий қурилмалар (абонент терминали, сервер, камера, микрофон ва бошқ.) билан таъминлашга доир ишларни жадал давом эттириш тавсия этилади.

